


**Ж.Алибеков, Р.Айматов, Р.Мирмуҳаммедов**

---

**СҮЮЛТИРИЛГАН УГЛЕВОДОРОДЛИ  
ГАЗЛАРДАН МОТОР ЁНИЛҒИСИ  
СИФАТИДА ФОЙДАЛАНИШ.  
ТЕХНИКА ХАФВСИЗЛИГИ**



**Самарқанд 2006**

**Ж.Алибеков, Р.Айматов, Р.Мирмуҳаммедов.** Суюлтирилган углеводородли газлардан мотор ёнилғиси сифатида фойдаланиш. Техника хафсизлиги. Са-марқанд. 2006. 46-бет.

Ушбу ўкув қўлланма Республика худудида ҳозирда суюлтирилган углеводородли газлардан мотор ёқилғиси сифатида фойдаланиш ривожланиб бораётганинги ва улардан фойдаланишда ёнғин техника хавфсизлиги таъминланишга қатиян риоя этилиши эътиборга олинган ҳолда яратилди.

Унда суюлтирилган газларнинг физика-кимёвий таркиби ва хоссалари, уларга қўйилган талаблар, СУГ истеъмолчиларга етказиб бериш ва уларни сақлаш, СУГ сақловчи сифимли идишлар, резервуарлар ҳақида, шунингдек газ тўлдирувчи ҳақида станциялар, автомобилга газ тўлдириш шахобчалари, улардан фойдаланишда техника ва ёнғин хавфсизлиги тўғрисида керакли зарур маълумотлар берилган.

Қўлланма суюлтирилган газдан ички ёнув двигателларида мотор ёнилғиси сифатида фойдаланишда хизмат қилаётган техник ходимлар, чилангирлар, газ таъминоти соҳаидаги таълим олаётган талabalарга, ҳамда газ соҳасида ишлаётган муҳандисларга мўлжалланган.

Тақризчилар: Соатов У.А. – техника фанлари доктори, профессор;

Тошмуҳаммедов - Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» агентлиги.

## **Мундарижа**

<b>1-боб. Суюлтирилган углеводородли газларнинг физика-кимёвий таркиби ва хоссалари.....</b>	<b>4</b>
1.1. Суюлтирилган углеводородли газлар ҳақида тушунчалар	4
1.2. Суюлтирилган углеводородли газларга қўйилган талаблар	7
1.3. Суюлтирилган углеводородли газларни ҳаракатга келтирувчи қурилмалар.....	10
<b>II. боб. Суюлтирилган углеводородли газларни истеъмолчиларга етказиб бериш ва уларни сақлаш. ....</b>	<b>12</b>
2.1. Суюлтирилган углеводородли газларни автомобил цистерналар ёрдамида етказиб бериш ва уларнинг турлари .	12
2.2. Суюлтирилган углеводородли газларни темир йўл транспортлари тизимлари орқали етказиб бериш.....	16
2.3. Суюлтирилган углеводородли газларни сакловчи сифимли идишлар ва резервуарларнинг турлари, уларга қўйилган талаблар	19
<b>3-боб. Газ тўлдирувчи станциялар ва автомобилларга газ тўлдириш шахобчалари ҳақида тушунчалар .....</b>	<b>23</b>
3.1. Газ тўлдирувчи станциялар ва уларнинг жойланиши	23
3.2. Суюлтирилган углеводородли газлардан мотор ёнилғиси сифатида фойдаланиш ва автомобилларга суюлтирилган газ тўлдириш шахобчалари .....	26
<b>4-боб. Суюлтирилган углеводородли газлардан мотор ёнилғиси сифатида фойдаланишда техника хавфсизлиги.....</b>	<b>30</b>
4.1. Газ тўлдирувчи станциялар ва автомобилларга суюлтирилган газ тўлдириши шахобчаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги	30
4.2. Газ сакловчи резервуар қурилмалардан фойдаланишда техника хавфсизлиги .....	31
<b>Фойдаланилган адабиётлар .....</b>	<b>34</b>

1-боб. Суюлтирилган углеводородли газларнинг физика-кимёвий таркиби ва хоссалари


### **1.1. Суюлтирилган углеводородли газлар ҳақида тушунчалар**

Суюлтирилган углеводородли газлар (СУГ) деганда атроф мұхит ҳароратида ва атмосфера босими қийматида газ күренишдаги ҳолатта эга бўлиб, босимнинг нисбатан бир оз ошиб бориши (ҳарорат пасаймасдан) билан суюқ ҳолатга ўтадиган, якка тартибли углеводородларга ёки уларнинг аралашмасига айтилади. Суюлтирилган углеводородли газларнинг таркиби дастлабки қазиб олинаётган хом ашё таркибига ёки олиниш усулларига боғлиқдир. Суюлтирилган углеводородли газларнинг олинишда асосий манбалари газ конденсати пайдо бўлган газ конлари ва нефт маҳсулотлари билан қазиб олинишда биргаликда чиқувчи «хамроҳликдаги» газлар ҳисобланади. Бундай хом ашё маҳсулотларидан газ бензин заводларидан пропан, бутан ва бензин маҳсулотларига ажратилиди. Техникавий пропан, бутан ва уларнинг аралашмаси бу суюлтирилган углеводородли газларни ташкил этиб, истеъмолчиларни газ билан таъминлашда фойдаланилади. Техникавий газларнинг тоза газлардан фарқи шундаки, уларнинг таркибида кўп миқдорда бўлмаган углеводородлар бўлиб, пропандан енгил бутандан оғир ва аралашма газлар мавжуддир.

Нефтни қайта ишлаш заводларидан чегаравий ва чегаравийсиз углеводородлар олинади. Қайта ишланувчи ажралиб чиқадиган пропан пропилен ва бутан – бутилен каби аралашма газлардан газ таъминотида кенг миқёсда фойдаланилади. Шу билан биргаликда чегаравийсиз углеводородлар юқори баҳоли хом ашё ҳисобланиб синтетик маҳсулотлар ишлаб чиқаришда, химия саноатида кенг кўламда фойдаланилади.


Газ конденсати пайдо бўлган жойлар (конлар) тоза газ пайдо бўлган жойлардан фарқлидир. Нефт ва углеводородли газлар биргаликда пайдо бўлган конларда, нефт газ қатлами ҳосил бўлади (1-расм).

Ер юзаси



**1- расм. Нефт газ қатламларининг биргаликда пайдо бўлиши тасвири.**

Бундай ҳолатларда нефт маҳсулотидан ажралиб чиккан углеводородли газлар, эритма кўринишида бўлиб, нефт газ қатлами пайдо бўлади. Нефт пайдо бўлган жойда ҳароратнинг ўзгариши жуда кам бўлиб, нефт газ эритмасининг миқдори асосан қатламдаги босимга ва эритма кўринишли газнинг хоссасига боғлиқдир. Газ қатлами бурғуланиб очилганда, дастлаб газ фаввораси (фантани) пайдо бўлади, кейинчалик қатламда босимнинг пасайиб бориши оқибатида нефтдан газнинг ажралиб чиқиши кузатилади. Баъзи ҳолларда газ эритмаси тўлик нефт билан бирга аралшма ҳолатда бўлиб, биргаликда қазиб олинади. Бундай ҳолларда 1 тонна нефт таркибида  $200 \dots 400 \text{ м}^3$  гача газ миқдори бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда нефт газ биргаликда ҳосил бўлинган кўринишли нефт – газ йиғилмаси конлари ҳосил бўлиши мумкин. (2 - расм).




**2- расм. Энг кўп тарқалган нефт – газ йиғилмаси жойининг кўриниши.**

Нефт ва газ йиғилмалари пайдо бўлган жойларда бурғуланиш ишлари бир хил усулларда ва бир хилдаги ускуналар, жихозлар ёрдамида амалга оширилади.

Ернинг устки қатламига нефт билан биргаликда чиқсан нефт газ аралашмаси оддий кўринишни газ нефт аралашмаларини ажратувчи қурилма сепараторлар ёрдамида амалга оширилади. (3- расмга қаранг).

Нефт-газ аралашмаси



**3- расм. Газ-нефт йиғилмаси сепараторининг тасвири:** 1- сакловчи клапан; 2- босимга карши ростлагич; 3- 4- мос равишда юқори ва паст чегарада ростлагич мувозанати.

Нефтдан газнинг ажralуви нефт-газ оқими тезлиги ва босимнинг ўзгариши натижаларига қараб амалга оширилади. Хамроҳликдаги газларнинг таркиби, пайдо бўлган газ нефт аралашмасининг таркибига боғлиқдир. Хамроҳ газлар таркибининг ўзгаришини шундай изоҳлаш мумкин яъни, дастлаб нефт газ йиғилган жойдан олинаётганда ер остида юқори босимда бўлиб, энг аввало оғир углеводородли газлар чиқа бошлайди. Суюлтирилган углеводородли газлар нефт газ аралашмаси биргаликда бўлган хом ашёлардан олинади. Конденсатли газ пайдо бўлган конларда газ таркибида оғир углеводородли газларнинг миқдори кўпроқ бўлади.

Суюлтирилган углеводородли газларнинг асосий таркибига (компонентларига), пропан ва бутан каби туйинган углеводородли газлар, очик тузилишга эга бўлган, «алканлар» киради. Уларнинг умумий химиявий формуласи қуидаги кўринишга эга бўлади.



Алканлар рангиз мода бўлиб, нефт маҳсулотининг хидини тарқатади, сувда эримайди. Улар бошқа моддалар билан бирикмайди ва аста – секинлик билан реакцияга киришади. Пропан, нормал бутан изобутан нормал шароитда газ кўриниши ҳолатида бўлиб, уларнинг босими бир оз оширилса, яъни пропан 0,47 МПа ( $4,7 \text{ кг/см}^2$ ), бутан – 0,115 МПа ( $1,15 \text{ кгс/см}^2$ ) ва изобутан – 0,16

МПа ( $1,6 \text{ кг}/\text{см}^2$ ); уларнинг ҳарорати  $t = 0^\circ \text{C}$  бўлганда, конденсатланиб, суюқ ҳолатга ўтади.

СУГнинг бундай хоссаси, яъни пропан- бутан аралашмаси газ таъминоти тизими учун фойдаланишда энг сифатли манба ҳисобланади. Бу газларни, айниқса истеъмолчиларга етказиб берилиш ва уларнинг сақланиш суюқ ҳолатда бўлиб, улардан ёнилғи сифатида фойдаланиш жуда қулайдир. СУГнинг ёнувида улардан ажралиб чиқадиган иссиқлик миқдори (қуввати) табиий газларга нисбатан тахминан уч маротаба юқоридир. Шунинг учун ҳам СУГлардан ички ёнув двигателларида мотор ёнилғиси сифатида фойдаланиш муҳимдир.

## **1.2. Суюлтирилган углеводородли газларга қўйилган талаблар**

Суюлтирилган углеводородли газларнинг таркиби давлат стандарт ўлчами (ГОСТ) орқали аниқланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҚМК 2.04.08-96 талабига кўра ёнилғи сифатида фойдаланишга мўлжалланган газ СУГ учун ГОСТ 20448 -90 га мос бўлиши керак. Давлат стандарт ўлчамига мувофиқ, СУГ лар технологик ёнилғи ва коммунал майший истеъмолчиларга ёнилғи сифатида фойдаланилганда ҳарорат  $+45^\circ \text{C}$  да унинг босими 1,6 МПа ( $16 \text{ кг}/\text{см}^2$ ); ҳарорат - 20 бўлганда ҳам босим қиймати 0,16 МПа ( $1,6 \text{ кг}/\text{см}^2$ ) қийматдан кам бўлмаслиги керакдир. Давлат стандарт ўлчами талабига мувофиқ СУГнинг уч хил тури истеъмолчиларга ёнилғи сифатида етказиб берилмоқда.

Биринчиси: Техникавий қишиги пропан бутан аралашмаси (ТКПБА)

Иккинчиси: Техникавий ёзги пропан- бутан аралашмаси (ТЁПБА).

Учинчиси: Техникавий бутан (ТБ).

СУГнинг таркиби қишки ва ёзги бўлиши ташқи атмосфера ҳаво ҳарорати билан боғлиқликда бўлишдир. СУГнинг резервуарлар ичида буғланиш жараёни уларнинг очиқ ҳавода ер устида ёки ер остида ўрнатилганлигига ҳам боғлиқдир. Қиш фаслида ташқи ҳарорат паст бўлганида керакли босимни сақлаш учун СУГнинг таркибида енгил компонентлар (пропаннинг) миқдори кўп бўлиши керак. Ёз фаслида эса пропаннинг миқдори кам бўлиши маъқулдир. СУГнинг сақланишда пропан ва бутан газларидан фойдаланилганда уларнинг алоҳида – алоҳида сақлаганлиги мақсадга мувофиқдир, бундай ҳолларда балонларда қоладиган суюқ қолдиқли газларнинг тўлиқ буғланмаслиги ҳолатининг олди олинади.

СУГнинг буғли ҳолатда бўлишда, уларнинг ҳажмий массалари ҳавога нисбатан оғирдир. СУГнинг буғланиш ҳолатидаги зичлиги нормал шароитда (яъни  $0^\circ, 760 \text{ мм.см.уст.}$ )  $2 - 2,7 \text{ кг}/\text{м}^3$  оралиқда бўлади. Ҳавога нисбатан газнинг нисбий зичлиги: пропан-  $1,562 \text{ кг}/\text{м}^3$ ; изобутан –  $2,064 \text{ кг}/\text{м}^3$  н- бутан –  $2,091 \text{ кг}/\text{м}^3$  ни ташкил этади. СУГлар буғланиш ҳолатида табиий газ каби атмосферага кўтарилиб тарқалмайди, ернинг устки қисмига ёки бино пол қисмига ёйилиб қолади. СУГнинг бундай хусусиятлари биноларда пол баландлиги даражасида албатта ҳаво алмашинув (вентиляция) тизими талаб этилади. СУГлар атмосфера босимида инсон организмига таксикологик (захарловчи) таъсирга эга эмас, аммо атмосферага ҳавоси билан аралашиб ҳаво таркибидаги кислородни сиқиб камайтиради. Бундай ҳолларда инсон организмида кислороднинг етиш-

маслиги, оқибатда ҳаво таркибида кўпайиши нафас олишнинг оғирлашувига буғилишга олиб келиши мумкин.

1-жадвал

**Суюлтирилган углеводородли газларга қўйилган  
техник талаблар. (ГОСТ 20448-90)**

Кўрсатгичлари	Турлари бўйича меъёрлари		
	ТКПБА	ТЁПБА	ТБ
Компонентли таркиби фоизда (%)			
Метан, этан ва этилен йиғиндиси	4 гача	6 гача	
Пропан ва пропилен йиғиндиси	75 энг ками	34 энг ка- ми	34 энг ка- ми
Бутан ва бутиленлар йиғиндиси	20 гача	69 гача	60 энг ка- ми
Суюқ қолдиқлар микдори (шу жумла- дан $C_5$ углеводородлар ва ундан юқори $+20^{\circ}\text{C}$ )	1 гача	2 гача	2 гача
Босими (ортиқча) туйинган буғланган кг/см <sup>2</sup> . $+45^{\circ}\text{C}$ , $-20^{\circ}$	16 гача 1,6 энг ками	16 гача 1,6 энг ка- ми	16 гача 1,6 энг ка- ми
Микдорлари: олтингугурт, гр.100 м <sup>3</sup> ,	5 гача	5 гача	5 гача
умумий водород сульфиди,	0,015 гача	0,015 гача	0,015 гача
Ҳаво таркибида газнинг хид тарқали- шининг сезиш (%)	0,5	0,4	0,3
Истөмөлчиларга етказиб берилаётган газ албатта	Адарантланган бўлиши (махсус ҳид берилиши) керак.		

Ҳаво таркибида 1 фоиз пропан бўлган инсон нафас олиши 10 минут давомида ҳеч қандай заҳарланиш аломатларини сезмайди, пропан ёки бутанинг микдори 10 фоиз бўлса, нафас олиш 2 минут давомида инсонда бош айланиш ҳолати ку-  
затилади. Пропилен ва бутиленлар наркотик таъсир этувчи хусисиятга эгадир.  
Ҳаво таркибида пропиленнинг микдори 15 фоизни ташкил этганда, инсон организми нафас олганда 30 минутда ҳушидан кетади, пропиленнинг микдори ҳаво таркибида 35-40 фоизни ташкил этганда инсон 20 секундда ҳушидан кетади. СУГнинг таркибида водород сульфидининг микдори ёки сульфидли бирикмалар мавжуд бўлса, инсон организмига ута хавфли таъсир кўрсатади. СУГ буғларининг ҳаво билан аралашуви портлаш ҳавфини туғдиради. Портлаш ҳо-  
латлари чегараси нормал шароитда:

пропан – 2,3-9,5 фоизда  
н- бутан- 1,5-8,4 фоизда  
изо-бутан – 1,8-8,4 фоизда содир бўлиши мумкин.

Шунингдек атмосфера ҳавосида СУГ буғларининг тарқалиши жуда секинлик билан (зичлигининг юқорилиги сабабли) амалга ошади, натижада портлаш ва ёнғин хавфсизлиги ҳолатлари ошиб боради.

СУГ дан фойдаланиш аралашмаларнинг ҳаво билан аралашувидаги ёнувга асослангандир. СУГда ёнғин ва портлашларнинг бўлиши инсон ҳайтига бино ва иншоотларга, ускуна ва жихозларга ҳавф туғдиради.

Газ ҳаво аралашмасининг портлаши, чегараланган кенгликда ишлаб чиқариш бинолари, ертўлада, резервуарлар ва х.к.з. алангаланиш ва ёнув оқибатида содир бўлади.

Аралашма газларнинг бундай шароитда ёнуви натижасида газларнинг иситилуви ва кенгайиши кузатилади, натижада тезлик билан босимнинг ошиб бориши, биноларнинг қурилиш конструкцияларнинг емирилиши (қулаши) газнинг қиздирилиши оқибатида ёнғин ўчоғи пайдо бўлишга олиб келади. Газ ҳаво аралашмасининг портлашида аланганинг тарқалиш тезлиги бир неча юзлаб метр секунд тезликка эришилади. Бундай ҳолатларни инсон бир лаҳзада, тезкорликда бўлган ходиса деб қабул қиласи. СУГда ёнғин хавфсизлиги ҳолатларни уларнинг таркибидаги алоҳида компонентларнинг хоссалари яъни: ёниш қувватининг  $2000^{\circ}\text{C}$  ҳароратдан ошиши, газ ҳаво аралашманинг ёнувида жуда катта миқдорда иссиқликнинг ажралиб чиқиши, ёнув жараёнида ҳаво таркибидаги катта миқдорда чикинди газларнинг пайдо бўлиши ёнғинга олиб келади. СУГнинг ёнувидакиска вақт давомида юқори ҳароратли алантга (секунднинг улушкидан бир неча сукунд оралигига) оғир куйишжарохатланиш ҳолатлари олиб келади. Аланганинг узоқ вақт давом этиши таъсирида ёнмайдиган металдан ва темир бетондан тайёрланган конструкциялар шикастланади. Ҳимояланмаган метал конструкциялар 15-20 минут вақт давомида қулаб тушади.

2-жадвал

### **СУГлар билан ер устида жойланган резервуарлар ва балонларнинг тўлгазилиш қуидаги меъёрларга мос бўлиши керак**

Газлар	Сигими 1л бўлган идиш (балонларда) газнинг массаси, кг.энг кўп билан	Резервуар (балонлар)нинг сигимига тўғри келадиган 1 кг. Газнинг сигими л. Энг ками билан
Бутан	0,488	2,05
Бутилен	0,526	1,90
Изо-бутилен	0,526	1,90
Пропан	0,425	2,35
Пропилен	0,445	2,25

Газ ҳаво аралашмасининг портлапш натижасида катта миқдорда иссиқ газ (иссиқлик) пайдо бўлади, натижада босимнинг тезликда ошишига олиб келади. Портлаш давомида босимнинг максимал қиймати  $0,858 \text{ МПа}$  ( $8,58 \text{ кг}/\text{см}^2$ ) тенг бўлиши мумкин. Бундай босим кучи таъсирида биноларда қурилиш конструк-

циялари, биринчи навбатда дераза эшиклар шикастланади, бино деворлари қулаб тушиши мүмкін.

Цистерналар ёки биноларни тұлғазишда уларанинг босимини (Буғ қатлами, ёстиғи) атмосферага чиқарып юбориш ҳисобидан босимни камайтириш тақиқланади.


### **1.3. Суюлтирилган углеводородли газларни ҳаракатта көлтирувчи қурилмалар**

Суюлтирилган углеводородли газларни ҳаракатта көлтириш учун насослар ва дам бергичлар (компрессорлар)дан фойдаланилади.

Дам бергичлардан СУГни темир йўл ва автомобиль цистерналаридан бўшатишида цистерналар резервуар ва балонлардаги қолдик буғларни суреб чиқаришда насосларнинг нормал ишлаши учун пуллаб тозалашда ишлатилади. Насослар ва дам бергичлар епик иситиладиган хоналарга жойлаштириш зарур. Насос ва дам бергичлар ўрнатилган хонанинг поли атрофидаги ҳудуднинг режа белгиларидан камида 0,15 м юқори бўлиши керак. Насосларни ва дам бергичларни очиқ майдон майдонча енмайдиган материаллардан тайёрланган ёпилма жойларда ҳам ўрнатиш мүмкін. Насос ва дам бергичларни пойдеворларга ўрнатиш зарур улар бошқа ускунанинг пойдевори ва бино деворлари билан боғланмаган бўлиши керак.

Иккита ва ундан кўп насос ҳамда дам бергичлар бита қаторга жойлаштирилганда масофани камида қуй дагича (м ҳисобида) олиш зарур.

- хизмат кўрсатадиган асосий йўлакнинг кенглиги-1,5.
- насослар орасидаги масофа - 0,8
- дам бергичлар орасидаги масофа - 1,5.
- насослар билан дам бергичлар орасидаги масофа - 1
- насос ва дам бергичлардан хона деворигача бўлган масофа - 1



**4-расм. Суюлтирилган углеводородли газлар учун С-5/140 кўринишили насоснинг тасвир:** 1- электрдвигатели; 2- кириш йўлаги; 3- ишчи ғилдирак; 4- босим канали; 5- қопқоқ; 6- 7- чиқариш тешиклари; 8-пружина; 9- бронзали втулка; 10- пўлат втулка.

СУГнинг технологик ускуналарининг жойланиш КМК 2.04.08-96 талабига мос равишда амалга оширилади.

Ҳозирги пайтда СУГни ҳайдаш учун марказдан қочма насослардан фойдаланилмоқда, бундан ташқари поршенли, шестернали, виксерли насослардан ҳам ишлатилмоқда. Насослардан фойдаланишда қўйидаги маҳсус шартлар бажарилиши талаб этилади.

- резервуарларга ортиқча газ миқдорининг қайтиш учун маҳсус қувурлар бўлиши

- насосларнинг жойланиши резервуарлардан пастликда ёки резервуарларда кўшимча босим ҳосил қилиш учун компрессорлардан фойдаланиш.

- насосларнинг сурувчи қувурларида қаршиликнинг кам бўлиши зарурати.

- насосларнинг ишончли ишлаши учун ишчи камерада суюқ фазанинг бўлиши

Насосларнинг нормал ишлаши учун ҳар доим ҳаракат оқимида суюқлик билан тўлдирилган бўлиши керакдир.

Гидравлик (удар) урилишдан сақланиш учун ҳама бошқарув арматуралари, задвижкалар ва вентиллар аста секинлик билан очилиши ва беркитилиши керакдир.

СУГни ҳайдашда С-5/140 м, С-5/140 ва тик кўринишили ХГВ насосларидан фойдаланилмоқда.

Кўп миқдордаги СУГни ҳайдашда НК кўринишили нефть- консоль насослари қўлланилади. Уларнинг техник характеристикалари қўйидагича (3- жадвал).

### 3- жадвал

Насосларнинг кўриниши ўлчамлари	Ротор варианти	Узатиш қуввати м <sup>3</sup> /соат	Босими, м	Айланыш сони	Қопқоқдаги шартли, босим, МПа	Массаси, кг	
						Насосники	Агрегатники
НК 65/3570	1а	65	70	2950	4	295	765
	2а	35	70	2950	4		1014
НК 65/35-125	1а	65	125	2950	4	335	1090
	2а	35	125	2950	4		
НК 65/ 35-240	1а	65	240	2950	5	630	1500
	2а	35	240	2950	5		

**Дам бергичлар.** Суюлтирилган газларнинг буғларини ҳайдашда бир ва икки пононали амиакли (АВ-22, АУ-45, А-110, П-220 кўринишили) дам бергичлар қўлланилади.

Поршенли тўғри йуналтирилган амиакли компрессорларнинг техник характеристикалари.

4- жадвал.

Техник характеристикалари	AB-22		AY-45		AB-100		AY-100	
	Валнинг айланиш сони, айл/мин.							
	960	1440	910	1440	720	960	980	
Цилиндрлар сони	2	2	4	4	2	2	4	
Поршен йўлаги, мм	70	70	70	70	130	130	130	
Поршен қамерасининг ҳажми, м <sup>3</sup> / соат	40,5	61	81	122	198,5	264	528	
Цилиндр диаметри, мм	80	80	80	80	150	150	150	
Сўрилиш босими, МПа, пропанни ҳайдаш. кг/соат,								
0,4	159,1	239,7	318,2	479,3	779,8	1037,1	2074,2	
0,7	267,8	403,3	535,5	806,5	1312,2	1795,2	3490,2	
1,4	58,0	87,3	116,0	174,5	284,0	378,0	755,0	
Дам ҳайдагич валининг ўрнатилган қуввати, квт	5,5	7,8	10,7	15,2	25,0	34,0	65,0	
Совитиш учун сув сарфи, м <sup>3</sup> / соат	0,2	0,2	0,3	0,5	0,8	1,0	2,0	
Маховик билан биргаликда массаси, кг	175	175	225	225	900	900	1290	

## II. БОБ. СУЮЛТИРИЛГАН УГЛЕВОДОРОДЛИ ГАЗЛАРНИ ИСТЕЙМОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УЛАРНИ САҚЛАШ.

### 2.1. Суюлтирилган углеводородли газларни автомобиль цистерналар ёрдамида етказиб бериш ва уларнинг турлари

Суюлтирилган углеводородли газларни, газ тарқатувчи станциядан ёки СУГни ишлаб чиқувчи заводлардан турли хил истеъмолчиларга маҳсус жихозланган автомобиль цистерналари ёрдамида етказиб берилади. Авто цистерналар уларнинг ишлатилиши ва конструктив тузилишларига қараб, етказиб берувчи ва тарқатувчи турларга бўлинади. Автомобиль цистерналари ёрдамида СУГлар йирик истеъмолчиларни таъминлашда, газ тўлдирувчи ва тақсимловчи станциялардаги резервуарларни тўлғазишлар амалга оширилади. Газ тақсимловчи автоцистерналар, суюлтирилган газларни истеъмолчиларга етказиб бериш, газ балонларини тўлдириш учун мўлжалланган бўлиб, автоцистерналар тўлиқ газларни тақсимловчи ускуналар насослар, қувурлар билан жихозлангандир. Цистерналар, цилиндрик кўринишдаги идишлар бўлиб, штаммповкали (қолип-

ланган) ҳолатда тайёрланади. Автомобилъларга прицепли (аравачали) кўринишда монтаж қилингандир. Цистерналарнинг сифими уларнинг кўринишлари-га, турларига қараб 4-15 м<sup>3</sup> сифимли бўлади. Турли хил сифимли маҳсус тайёрланган автоцистерналарининг техник характеристикалари 5- жадвалда келтирилгандир.


АЦМ- 8 -130- автоцистернаси: СУГнинг етказилиб берилишда ЗИЛ-130 автомobiliга ўрнатилган.

5-жадвал


#### Автоцистерналарнинг техник характеристикалари

Ўлчамлари	АЦ M-8- 130	ЦППЗ - 12130 B1	ЦППЗ -33,9- 258	ППЦТ -36,3- 258
Цистерналарнинг Тўлиқ герметик сифими, м <sup>3</sup>	7,25	12	33,9+0 ,4	36,6
Суюлтирилган газнинг массаси, кг	-	5100	14400	15420
Автомомбilsиз цистерналар- нинг газ билан биргаликдаги массаси, кг	-	11900	28600	29700
Автомобил билан биргаликда ци- стернанинг газ билан массса- си, кг	1052 5	15800	38280	39380
Ишчи босими, кг/см <sup>2</sup>	18	18	18	18
Гидравлик синов босими кг/см	23	22	23	23
Насоснинг (кўри- ниши) тури	-	НЧ- 5/170	НЧ- 5/170	-
Насос электро- двигателининг куввати, кВТ	-	8	8	-
Газ ҳисоблагич- нинг тури	-	УНЖГ -20	УНЖГ -20	
Электр иситгич-	-	5	5	-


нинг куввати,кВт				
Сиртки ўлчамла-ри, мм	7100	10500	16610	15380
Узунлиги	2760	2450	2630	2630
Кенглиги	2500	3150	3750	3750
баландлиги				




**5-расм. Суюлтирилган углеводородли газларни ташувчи АЦМ-8-130 кўринишили автоцистерна:** 1- сақлагич клапан; 2- цилиндрли резервуар; 3- резервуарни орка қисми; 4- ускуналар билан жихозланган қопқоқ; 5- буфер; 6- занжир; 7- махсус қутича (қопқоқли эшикча); 8- автомошина қузғасмаслиги учун тиқин; 9- захира гилдиракни махкамлаш учун илмоқ; 10- автомобиль рамаси.




**6- расм. Автомобилларни тўлдириш учун мўлжалланган ЦПЗ-12-130 В1 кўринишили харакатланувчи газ тўлдирувчи станция:** 1- ЗИЛ- 130В1 кўринишили тягач; 2- резервуар; 3- пружинали сақлагич клапани; 4- махсус соябон; 5- цистернага ўрнатилган люк-лаз; 6- химоя хоначasi; 7- ёргулик қайтариш; 8- қувурли буғлатувчи иситгич; 9- тозалагич; 10-19- машинанинг олдинги ва орқа фидираклари; 11- тухталиш тормози; 12- 16 – шланг ва пневма жихозлар; 13- метал бурчак; 14- швеллер; 15- болт; 17- тўхташдаги ерга боғланиш; 18- таянч қурилма; 20 - олдинги нур қайтаргич; 21- электр жихозланиш; 22 - ўтириувчи ускуна; 23 - тягачнинг олд қисмига ўрнатилган шовқин камайтиргич;



**7-расм. Суюлтирилган газларни ташиши учун ППЦТ- 36,3-258 кўринишли автоцистерна:** 1- КрАЗ-258 тортгич тягач; 2- захира гилдираги; 3- ўт ўчирувчи ускуна; 4- цистерна; 5- шланг учун жой; 6- сақлагич клапани; 7- люк тугуни; 8- коммуникация тугуни; 9- коммуникациянинг жойи; 10- чап орқа қаноти; 11- ярим аравачанинг кейинги мости; 12- тухташ тормози; 13- тўхташга ерга боғла-ниш; 14- пневматик тормоз қурилмаси; 15- шланг; 16- таянч қурилма; 17- олд қисмидаги чап қанот; 18- ён тарафидан нур қайтгич; 19- олд тарафидан нур қайтгич; 20- шовқин ютгич.



**8-расм. Суюлтирилган газларни ташувчи ярим аравачали АЦ-15-377с кўринишли цистернанинг тасвири:** 1- резервуар; 2- ҳаво алмашинуви коп-коги; 3- жихозлар; 4- сакшлагич клапани; 5- таянч; 6- қопқоқ; 7- автотягач; 8- шлангларни жойловчи қувур; 9- электр насоси; 10- ҳаракат таянчи; 11- ўт ўчи-гич; 12- цистерналарнинг ерга уланиши.



**9-расм. Суюлтирилган углеводородли газ учун УИЖГ-20 кўринишли газ хисоблагич:** 1- газ ажратгич - тозалагич; 2- ролик механизми; 3- ТКА -13 кўринишли корректор; 4- КЦ Ж-20 кўринишли ҳажм ўлчагич; 5- дифференцияли клапан.

УИЖГ-20 газ хисоблагичнинг техник характеристика.

Шартли ўтиш йўлаги, мм, ..... 20

Улчанаётган суюқликнинг босими, МПа ..... 2

Улчанаётган суюқликнинг миқдори, л/мин.

Кам миқдорда ..... 16

Минимал миқдорда ..... 56

Кўп миқдорда ..... 80

Ўлчанаётган суюқликнинг ҳарорати,  $^{\circ}\text{C}$  -50дан +40 гача

Миқдор кўрсатгичи бўйича ҳисоб

ракамлари бўлиниши, л ..... 0,1

Сиртқи ўлчамлари, мм

Узунлиги ..... 661


Кенглиги ..... 300

Баландлиги ..... 603

Массаси, кг ..... 89


## 2.2. Суюлтирилган углеводородли газларни темир йўл транспортлари тизимлари орқали етказиб бериш

Ўзбекистон Республикасида нефт маҳсулотларини нефт ва суюлтирилган углеводородли газларни ташишида энг асосий транспорт воситалари сифатидан темир йўл транспортлари тизимларидан фойдаланиб келинмоқда. СУГни темир йўл транспортлари орқали истеъмолчиларга етказиб беришда битта барабанли горизонтал цилиндрик кўринишли цистерналардан фойдаланиб келинмоқда.



**10-расм.** Суюлтирилган газлар учун сиғими 54 куб метр бўлган юқоридан тулғизиладиган бўшатиладиган темир йўл цистерналарнинг тасвири. 1-тўрт ўкли платформа; 2- сферик кўринишли резервуар; 3- тик зинапоя; 4- манометр тутгич тугун; 5- сақлагич қопқоқ; 6- майдонча; 7- пўлат болтлар.

СУГни ташийдиган пўлатдан тайёрланган цистерналарнинг сиғими 51-54 куб метр фойдали тулғизилганлиги 43 ёки 46 куб метр бўлиб, оғирлиги мос равиша 21,6 тонна ёки 25 тоннани ташкил этади. Цистерналар тўрт ўкли темир йўл платформасига ўрнатилган. Цистернада газнинг босими ошиб кетса, цистерна деворларининг ажralиб кетмаслигининг олдини олиш мақсадида люк - қопқоғи қисмига пружинали сақлагич клапан ўрнатилгандир.



**11-расм.** Темир йўл цистерналари люк – қопқоғида арматураларнинг жойланиш тасвири: 1- қувурдан суюқликни чиқариш вентили; 2- 3- цистернанинг тўлдирилишини назорат қилувчи вентиллар; 4-9- қуийш ва бўшатишни амалга оширувчи бурчакли вентиллар; 5- термометр жойланган қисми; 6- бурчакли вентил; 7- пружинали сақлагич клапани; 8- цистернадан суюлтирилган газнинг таркибидаги сувни ва буғланмайдиган қолдикларни чиқарувчи вентил; 10- цистернани назорат қилувчи (опорожнение) вентил.

Сақлагич клапаннинг икала томонидан, цистерна ўки бўйича иккита қўйиш ва бўшатиш учун бурчакли ветил ўрнатилган. Бу вентиллар тўдирувчи ва бўшатувчи қувурларга боғланган бўлиб, тўлдирувчи шланглар, қийувчи қурилмалар шикастланганда ёки узилганда газни ёпиш учун ишлатилади. Суюлтирилган газларни ташувчи цистерналар қуёш нуридан сақланиш учун оқ рангли бўёқ билан рангланади. Цистернанинг ён томонининг пастки қисми қизил рангда чизик тортилади ва «Пропан. Хавфли ёнилғи» деган ёзув бўлиши керак.

Люк – қопқоғга қўйиш бўшатиш, сақлагич арматуралари ва қўйиш- бўшатиш аперацияларини кузатиш учун арматуралар ўрнатилган бўлади. Люк-қопқоғининг марказий қисмига пружинали сақлагич клапан жойлангандир. Агарда цистернага суюлтирилган газнинг босими юқори меъёрдан яъни ( $21,6 \text{ кг}/\text{см}^2$ ) ошиб кетса, пружинали сақлагич клапани орқали атмосферага чиқариб юборилади.

Темир йўл цистерналарининг техник характеристикалари.

Тўрт ўкли платформанинг умумий узунлиги, мм 12020

Платформа рамасининг узунлиги, мм ..... 10800

Цистернанинг узунлиги, мм ..... 10224

Цистернанинг фойдали баландлиги (рельс бош

қисмидан сақлагич клапанинг

юқори нуктасигача), мм ..... 4650

Цистернанинг катта кенглиги, мм ..... 3150

Цистернанинг ички диаметри, мм ..... 2600

Цистерна деворининг қалинлиги, мм ..... 26

Цистерна (дница) деворининг қалинлиги, мм .... 32

Қопқоқ диаметри, мм ..... 685

Қопқоқ баландлиги, мм ..... 340

Цистернанинг тўлик ҳажми, м<sup>3</sup> ..... 51

Цистернанинг фойдали ҳажми (сифими)

(тўлдирилиш қиймати 0,84 бўлганда) м<sup>3</sup> ..... 43

Суюлтирилган газнинг массаси (цистерна максимал

Рухсат этилган даражада тўлгизилса), тонна . 21,6

Цистернанинг ҳаракат қисмлари билан

биргаликдаги (тара) массаси, тонна ..... 38,36

Ишчи босими, кгс/ см<sup>2</sup> ..... 20

Гидравлик синов босими, кгс/ см<sup>2</sup> ..... 30

Цистернанинг сиртқи қисмida цистерна номери (раками) тўлик ва фойдали сифими ўлчамлари кўрсатилади. Цистернанинг цилиндрик пастки қисмida ишчи босими, гидравлик синов босими, синовдан ўтган вақти ва кейинги синовдан ўтилиши вақти кўрсатилган бўлиши керак

## **2.3. Суюлтирилган углеводородли газларни сакловчи сиғимли идишлар ва резервуарларнинг турлари, уларга қўйилган талаблар**

Суюлтирилган углеводородли газларнинг ускуна ва жихозларини шартли равишда қуидаги гурухларга бўлиш мумкин: суюлтирилган газларни истеъмолчиларга етказиб бериш; суюлтирилган газларни ҳаракатга келтириш учун ишлатиладиган ускуна ва жихозлар; суюлтирилган газларни сақлаш ускуналари; суюлтирилигандан газларни тўлдириш учун сиғими идишлар (балонлар)

### **Суюлтирилган газлар учун балонлар:**


Баллонларга сиғими 120 л бўлган идишлар киради. Идишнинг сиғими 100 л дан 500 л бўлса, унга бочкалар деб айтилади. Сиғими 500 л юқори бўлган идишларга – резервуарларга деб айтилади.

Балонлар оддий кўринишли идишлар бўлиб, улар суюлтирилган газларни истеъмолчиларга етказиши ва сақлаш учун мўлжаллангандир. Ҳозирги пайтда аҳоли турмуш ва коммунал майший истеъмолчиларни СУГлар билан таъминлашда сиғими 5,12,27 ва 50 л бўлган газ билан баллонларда фойдаланиб келинмоқда. Уларнинг техник характеристикалари (6- жадвалда) келтирилган.

6-жадвал

Суюлтирилган углеводородли газлар учун мўлжалланган баллонларнинг асосий сиртки ўлчамлари, мм ва характеристикаси

Баллонларнинг сиғими, л	Пропан массаси Энг кўпи билан, кг	Д	S	Д <sub>1</sub>	Д <sub>2</sub>	Д <sub>3</sub>	H	H <sub>1</sub>	Баллоннинг массаси, кг
5	2,0	22 2	2, 0	20 0	15 5	16 0	28 5	19 7	4,0
12	5,0	22 2	2, 0	20 0	15 5	16 0	47 0	38 4	6,0
27	11,4	29 9	3, 0	27 0	22 2	23 0	57 5	47 4	14,5
50	21,2	29 9	3, 0	29 0	-	-	96 0	83 0	22,0



**12-расм. Суюлтирилган газлар учун баллонларнинг тасвири:** 1- паспорт жадвали; 2- баллоннинг юқори (ёка) қисми; 3- баллоннинг томок (горловини) қисми; 4- ҳимоя ҳалқаси; 5- башмак; 6- пастки кайрилган қисми; 7- юқори кайрилган қисми; 8- (обечайка) 9- қолпок (бош қисми).

Уч хил кўринишили баллонларнинг тасвирий кўриниши ва асосий характеристикалари (12-расмда) ва (4-жадвалда) келтирилгандир.

Баллонларнинг СУГ билан тўлғазилиши меъёрлари 1 л сифимга 0,425 кг ҳисобидан қабул қилинган.

Сифими 5 ва 12 л бўлган баллонлар асосан саёхлар учун, турмуши учун ва лабораторияларда ишлатилади. Сифими 27 л бўлган баллонлар уй хоналарида газ плитаси билан биргаликда жойланиб аҳоли турмушда умумий овқатланиш корхоналарида ишлатилади. Сифими 27 л бўлган баллонлар уй хонадонларида газ плитаси билан биргаликда жойланиб аҳолии турмушида, умумий овқатла-ниш корхоналарида ишлатилади.

Сифими 50 л бўлган газ балонлари, газ плитасидан ажратилган ҳолатда, якка тартибдаги истеъмолчиларни газ билан таъминлашда, биноларни иситиш учун ишлатилади.

Хар бир балоннинг паспорт жадвали бўлиши керак, унда қўйидаги маълумотлар тўлиқ кўрсатилиши керак яъни: номланиш маркаси, тайёрлаган – завод баллоннинг тури ва унинг номери (раками), тайёрланган вақти (ой, йил). Синовдан ўтказилганилиги, вақти, ишчи босими, гидравлик синов босими, сифими, балоннинг бўш ҳолатдаги массаси; баллоннинг ташқи юзаси (паспорт жадвалидан ташқари), албатта тозаланган, грунтовка қилинган ва қизил рангли буёк билан тўлиқ рангланган бўлиши керак. Баллоннинг юқори цилиндрик қисми узунлигининг айланаси бўйича  $\frac{1}{2}$  қисмida нитроэмалда оқ рангда «Пропан» ёзув бўлиши, ҳарфнинг баландлиги баллоннинг сифимига қараб 5 л - 20 мм; 12 л - 40 мм, 27,50 л - 60 мм да бўлади.

**Резервуар қурилмалари:** СУГни сақлашда қўзгалмас ҳолатдаги (стационар) резервуарлардан фойдаланилади. СУГда газ таъминоти учун иккита ва ундан ортиқ резервуарлар ўрнатилса уларга резервуарли қурилмалар деб айтилади. Резервуарли қурилмалар ер устида ва ер остида ўрнатилган бўлиши мумкин. СУГда фойдаланиладиган резервуарларнинг герметик сифими кўп ҳолларда 2,5

ва  $5 \text{ м}^3$  бўлади. Ер остида ўрнатилган резервуарларнинг ер сатҳидан чуқурлиги 0,6- 0,7 м (резервуарнинг устки сиртки юзасигача) бўлиб, улар 10 кгс/  $\text{cm}^2$  ишчи босимга мўлжаллангандир. Бундай резервуарларнинг техник характеристикаси қўйидагича:

7-жадвал

Сифими 2,5 ва  $5 \text{ м}^3$  бўлган резервуарларнинг техник характеристикаси.

Техник ўлчамлари	Резервуарларнинг сифими, $\text{m}^3$	
	2,5	5
Ишчи босими, кгс/ $\text{cm}^2$	10	10
Гидравлик синов босими, кгс/ $\text{cm}^2$	13	13
Резервуарнинг фойдали ишчи сифими, $\text{m}^3$	2,1	4,2
Фойдаланишда рухсат этилган, ҳарорат $^{\circ}\text{C}$	-30 дан +25	-30 дан +25
Асосий ўлчамлари, мм		
Узунлиги	3200	3460
Ички диаметри	1000	1400
Резервуар девори (обечайки) қалинлиги	8	8
Резервуарнинг массаси (ёнилғисиз), кг	925	1758

8-жадвал

Хажми 2,5 ва  $5 \text{ м}^3$  бўлган ер остида жойланган резервуарларнинг сиртқи ўлчамлари (мм) ва массаси.

Герметик хажми	L	$L_1$	$L_2$	$L_3$	Д	$L_1$	$L_2$	$L_3$	$L_4$	$L_5$	$H_1$	$H_2$	Массаси, кг
2,5	3325	2800	1376	1002	1000	400	600	500	285	702	1308	750	950
5	3460	2680	1524	1150	1400	510	750	500	400	900	1510	980	1240

Катта сифимли резервуарлар. Суюлтирилган углеводородли газларни қабул қилишда, сақлашда ва тақсимлаш учун, газ тўлдирувчи жойларда сифими 25, 50, 100 ва  $200 \text{ м}^3$  бўлган горизонтал ўрнатилган резервуарларда фойдаланилади (9-жадвал).

9-жадвал

Пропан ва бутан сақлагич резервуарларнинг ўлчам характеристикалари

Идишнинг белгила-	Номинал	Ички диаметри	Умумий Ци-	Девор қалинлиги	Таянч	Бўша тицга	Идишнинг


ниши						ўрама қисми	тагити			
ПС-25	25	200 0	833 2	720 0	16	16	14	150	796 7	
ПС-50	50	240 0	113 56	100 00	18	18	14	150	139 96	
ПС-100	100	300 0	146 84	130 00	22	22	18	150	268 65	
ПС-160	160	340 0	185 12	166 00	26	26	14	150	439 60	
ПС-200	200	340 0	229 12	211 00	26	26	14	150	536 70	
БС-50	50	240 0	113 24	100 00	10	12	12	150	105 28	
БС-100	100	300 0	146 44	130 00	12	12	16	150	164 78	
БС-160	160	340 0	184 48	166 00	12	14	12	150	234 15	
БС-200	200	340 0	228 48	210 00	12	14	12	150	280 80	

**Эслатма:** Максимал ишчи босими: ПС – резервуар учун  $18 \text{ кг}/\text{см}^2$ , БС резервуар учун –  $7 \text{ кг}/\text{см}^2$  ва гидравлик синов босими мос равиша 23 ва  $10 \text{ кг}/\text{см}^2$ .


Суюлтирилган газларни сақлаш учун резервуарлар 16 ГС маркали пулатдан тайёрганланган бўлиб идиш (резервуар) деворининг ҳарорати  $+50^{\circ}\text{C}$  дан юқори ва  $-40^{\circ}\text{C}$  паст бўлмаслиги керак.

Пропан учун сифими  $50 \text{ м}^3$  бўлган ер устки қисмида ўрнатилган пулатдан тайёрганланган горизонтал цилиндрик резервуарнинг конструктив тузилиши 14-расмда кўрсатилган.

Горизонтал цилиндрик резервуарлар ёнмайдиган материаллардан тайёрганланган мустаҳкам таянч пойдеворларга ўрнатилади. Ер устига резервуарлар гурӯхли этиб ўрнатилади. Суюлтирилган углеводородли газларни сақловчи ер устида ўрнатилган резервуарлар бир неча қаторларда ўрнатилиб улар оралиғидаги масофа энг ками 10 м бўлиши керак.



**13- расм. Суюлтирилган газлардан фойдаланишдаги резервуар қурилмаларининг тасвири:** 1- суюқ фазони чикарувчи қувур; 2- резервуарлар ўрнатилган махсус таянч қурилма; 3- цилиндрик идиш; 4- диаметри 478 мм бўлган қувурдан тайёрланган идиш; 5- идишнинг пастки (ёпик) қисми; 6- 7- идишнинг юқори ва ва пастки қисмига ўрнатилган мустахкамлигини оширувчи халка, белбог; 8- резервуарнинг юқори қисмига пайвандланган идишнинг бош буйин қисми; диаметри 478 мм, калинлиги 9 мм, баландлиги 875 мм ўлчамли қувурдан тайёрланган; 10- резервуарнинг чап қисмига пайвандланган (буғ фаза учун) қувур.



**14-расм. Пропан сақланадиган резервуарнинг тасвири:** 1- муфта; 2- штуцер суюқ фаза учун; 3- термометр ўрнатиш учун штуцер; 4- резервуардан намуна олиш вентили учун муфта; 5- нишабликни аниқлаш учун муфта; 6- манометр ўрнатиш учун муфта; 7- суюқ фазани қабул қилувчи штуцер; 8- нишабликни улчаш учун штуцер; 9- суюқлик тенглигини сезиш учун штуцер; 10- люк; 11- сакловчи- чикарувчи клапанни ўрнатиш учун штуцер; 12- қолдиқ газни чиқариш учун штуцер; 13- ҳаво алмаштириш учун штуцер.

### З-БОБ. ГАЗ ТЎЛДИРУВЧИ СТАНЦИЯЛАР ВА АВТОМОБИЛЛАРГА ГАЗ ТЎЛДИРИШ ШАХОБЧАЛАРИ ҲАҚИДА ТУШУНЧАЛАР

#### 3.1. Газ тўлдирувчи станциялар ва уларнинг жойланиши

**Газ тўлдирувчи станциялар:** Истеъмолчиларни СУГлар билан таъминлашда манба сифатида газ тўлдирувчи станциялар (ГТС) хизмат қилади. ГТС суюлтирилган газларни қабул қилиш, сақлаш, баллонларга ва автоцистерналар-

га тарқатиши каби ишларини амалга оширади. ГТСда суюлтирилган газларнинг юкори таркибдаги бутан (60 фоизгача), техник прпанларнинг алоҳида сақла-ниши ва уларнинг алоҳида тарқатилиши таъминлан бўлиши ГТСда бир вақт-нинг узида суюлтирилган газларни темир йўл цистерналаридан турлича фоизда пропан ва бутан нисбийлигида бўшатилиши ҳам эътиборга олинган.

ГТСда қўйидаги ишлар амалга оширилади:

- суюлтирилган газларни етказиб берувчи темир йўл цистерналаридан қабул қилиш

- суюлтирилган газларни омборхоналарга бўшатиш

- суюлтирилган газларни ер усти ва ер ости резервуарларида, баллонларда ва х.к.з. сақлаш.

- баллонлар ва автоцистерналарни суюлтирилган газлар билан тўлдириш

- бўшатилган балонларни қабул қилиш ва тўлғазилган балонларни тарқатиш.

- ускуналар ва жихозларга технологик хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш.

- автоцистерналар ва баллонларда суюлтирилган газни истеъмолчиларга етказиб бериш.


- суюлтирилган газда ишлайдиган автомашиналарни тўлдириш

- суюлтирилган газларни буғлатиш (регазификация).

- суюлтирилган газ буғини ҳаво билан аралаштириш

- суюлтирилган газ буғини ҳайдаш

ГТСлар шаҳар ташқарисида, махсус ажратилган майдонларда, шамол йўналишига тескари тарафга яъни, турар жой майдонлари, умум жамоа ва ишлаб чиқариш бинолари жойланган ҳудудларда эҳтимолли чиқаётган газ етиб бормаслиги зарурдир. ГТСларда қўйидаги бўлинмалар ва цехлардан ташкил топгандир: темир йўл тармогини бўшатиш эстакадаси, пўлат резервуарлардан ташкил топган газ сақлагичлар, насос- компрессор ва буғлатувчи цехлардан, баллонлар ва автоцистерналарни тўлдирувчи цехлар ва х.к.з ташкил топгандир. ГТСлар сув таъминоти, канализация, чикиндилар қувури, иссиқлик ва электр таъминотлари билан таъминланган бўлиши керакдир. ГТСларга қурилиш майдонини танлашда албатта ГТСдан бино ва иншоотлар, темир йўллар ва автомобил йўллари оралигига керакли масофалар сақланиши керак. Оралиқ масофалари ўлчами, газ сақлагичларнинг ҳажмига резервуарларнинг ўрнатилганлиги усулига ва иншоотлар, йўлларнинг турига қараб 40 м дан 300 м оралиқда бўлади. ГТС ҳудуди параметри бўйича ёнмайдиган материалдан чегаралангандан ўралган бўлиши ва икки майдонга ажратилган яъни: 1) ишчи майдони, бош эстакада, газ сақлагич, насос – кайпресор ва буғлатгич, тўлдиргич цехлари биргаликда. 2) ёрдамчи майдон, маъмурий хўжалик бинолари, гараж, ёнғинга ўарши захира сув сақлагич резервуарлар киради. ГТС ҳудуди ишлаб чиқариш ва ёрдамчи минтаўаларга бўлинади. Ишлаб чиқариш минтакасига асосий цехлар ва технологик қурилмалар киради. Иккинчи майдонга эса ёрдамчи ва маъмурий – хўжалик бинолари ва иншоотлари киради.



**15-расм. Газ тўлдирувчи станциянинг бош плани тасвири:** 1- технологик цех; 2- суюлтирилган газ сақланувчи жой (база) 3- темир йўл цистерналаридан суюлтирилган газларни бўшатиш учун эстакада; 4- куйиш (бўшатиш) резервуарлари; 5- автокалонка; 6- ёрдамчи бинолар блоки; 7- автотарозилар; 8- трансформатор подстанцияси; 9- сув учун резервуар; 10- сув босими минораси; 11- генераторлар; 12- автомобилларнинг ёпик тухташ жойи; 13- материал омборхонаси.

ГТС ҳудудида газ хўжалигидан фойдаланиш учун хизмат кўрсатувчи бўлинма ҳам жойлаштирилади. ГТСнинг куввати суюлтирилган газнинг сафланиш миқдорига ва хизмат кўрсатиш ҳудудига қараб қабул қилинган бош план схемаси асосида 10-15 йил муддатга ишлаб чиқилади. ГТСдаги арматураларга, ўлчов асбоблари, ва сақлагич қурилмаларига хизмат кўрсатиш учун, қўзғалмас металлардан зинапоя билан биргаликда ясалган метал майдончалари хизмат кўрсатади. Ер устки қисмига ўрнатилган резервуарлар сони ики ва ундан ортиқ гурухли бўлиб, станция ҳудудида майдонининг пастки текислиги белгиси жойларига ўрнатилади. Газ сақлагич омборхонанинг умумий ҳажми  $2000 \text{ m}^3$  гача бўлганда, хар бир резервуарнинг сифими  $1000 \text{ m}^3$  дан катта бўлмаслиги, сақлагичнинг умумий ҳажми  $2000-8000 \text{ m}^3$  бўлганда, резервуарнинг сифими  $2000 \text{ m}^3$  дан ошмаслиги керакдир. Резервуарларанинг жойланиш масофалари ҚМК 2.04.08-96 талабларига тўлиқ мос келиши керак.

Суюлтирилган газларни қабул қилиш ва сақлаш учун ГТСда газ сақлагич иншоотлар қурилади, улар истеъмолчилар учун керакли бўлган газ билан узлуксиз таъминлаш учун захира сақланади.

ГТСда суюлтирилган газларни сақлаш учун керакли резервуарлар сони қўйидагига teng:

$$m = \frac{V}{V_p K}$$

Бу ерда  $V$ - суюлтирилган газларнинг ГТСдаги захираси,  $\text{m}^3$

$V_p$ - битта резервуарнинг геометрик сифими,  $\text{m}^3$

$K$ - резервуарларни тўлғазиш меъёри, бу қиймат 9- жадвалдан олинади.

Резервуарларни суюлтирилган газ билан тўлғазиш меъёри.

Газ	Сифими 1 л бўлган идишдаги газ массаси (кўпи билан), кг	1 кг газ жойланадиган идишнинг сифими, (ками билан), л
Бутан	0,488	2,05
Бутилен	0,526	1,90
Этилен	0,286	3,50
Пропан	0,425	2,35
Пропилен	0,445	2,25

### **3.2. Суюлтирилган углеводородли газлардан мотор ёнилғиси сифатида фойдаланиш ва автомобилларга суюлтирилган газ тўлдириш шахобчалари**

Суюлтирилган углеводородли газлардан мотор ёнилғиси сифатида фойдаланишни қараб чикамиз: Бизга маълумки ички ёнув двигателларида стандарт ёнилғи сифатида: автомобил бензини (газолин, мотор бензини) ва автодизел ёнилғисидан фойдаланилмоқда. СУГнинг энг асосий устунлик томонларидан бири- унинг тозалиги яъни таркибида қўрғошиннинг олтингугурт йўқлиги бирокмаларининг ниҳоятда пастлигидир. СУГ таркибидаги асосан ёнувчи углеводородлардан ташкил топганлиги сабабли, ички ёнув двигателларининг ишлашини енгиллаштиради ва бир хилда ишончли двигателларининг ишлашини таъминлайди. СУГдан мотор ёнилғиси сифатида фойдаланилганда атроф муҳитни ифлослантириш кескин камаяди. СУГда ишловчи ички ёнув двигателларининг баҳоси ҳам кескин камаяди.

Хозирги пайтда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида СУГ дан мотор ёнилғисида фойдаланишда экологик тозалигини эътиборга олиб, транспортдан фойдаланиш солиқлари кескин камайтирилмоқда ва тўлиқ озод этилмоқда.

Амалда фойдаланиб келинаётган ички ёнув двигателларини газ ёнилғисига ўтилишдан ташқари, ҳозирги пайтда, Янги фақат СУГда ишловчи алоҳида турлардаги двигателлар ихтиро қилинмоқда ва ишлаб чиқилмоқда. Бундай двигателларнинг устунлик томони шундаки, улар бино ичиди ишлашга мўлжалланган (автоюкловчилар, цемент аралаштирувчилар, шахтада) бўлиб, вентиляция (ҳаво алмаштириш тизимидан) фойдаланишни кескин камайтиради.

Хозирги пайтда фақат СУГда ишловчи кўплаб турдаги тракторлар, қишлоқ хўжалиги учун машиналар ишлаб чиқарилмоқда. Ички ёнув двигателларининг модификация қилиниши, яъни икки хил турдаги ёнилғида (нефт ёнилғилари ва суюлтирилган газларда) ишлашга талаб ошиб бормоқда. Автомобилларга суюлтирилган газ тўлдирувчи шахобчалар (АСГТШ) нинг бир- биридан узоклиги

(бензин) тұлдиргичларға нисбатан икki хилдаги ёнилғи сақланадиган бак (идишлардан) фойдаланишни талаб этмоқда.

СУГдан корбюратор двигателлари учун ёнилғи сифатида фойдаланиш. Корбюраторлы двигателлар турт боскичли ҳарорат туфайли яъни: аралашманинг сурилиши, сиқилиши, аллангалантириш ва чиқиш ишлайди. Ёнилғи сифатида бензин ишлатылғанда, ёнувчи аралашма корбюраторда амалга оширилади, суюқ ёнилғи ва ҳаво аралашмаси бүгли аралаш ҳосил этилиб, цилиндрнинг ички қисміга клапан орқали узатылади. Аниқ ўрнатылған вакт оралиғида кетма- кетликда клапаннинг очилиш ва ёпилиш орқали амалга оширилади.

Бундай ҳолда ёнилғи ҳаво аралашмасининг белгиланған вактда аллангала- нишнинг аҳамияти жуда каттадир. Корбюратор двигателларида ёнилғилари таркибига аллангаланишни ошириш учун детонационга қарши компонентли би- рикмалар (тетроэтил, тетраметилсвинец) күшилади.

Бензин ёнилғисида суюлтирилған газ ёнилғисига ўтказылғанда детаноционга қарши компонентли бирикмаларнинг бўлишига эхтиёж қолмайди, бунга сабаб қўплаб СУГнинг таркиби (компоненти) юқори даражадаги детаноционга Карши сифатга эгадир. Шуни таъкидлаш керакки, СУГда ишлайдиган двигателларда сиқилиш максимал даражада чегаралангандир, шу сабабли ҳам хавфсиз ишлашни ҳарактерлайди. Бир катор турдаги ёнилғиларнинг ҳарактеристикаси (11- жадвалда) келтирилган.


11-жадвал

### Ёнилғининг ҳарактеристикалари


Ёнилғи турлари	Октонли сони		Максимал даражада сиқилишида
	Тажриба орқали	моторли	
Пропанда	111,5	100	11:1
Нормал бутанда	95	92	8:1
Изобутанда	100,4	99	9:1
Пропилен	100,2	85	75:1
Нормал бутен - 1, да			
Нормал бутен – 2, да			
Бензинда: од-дий	92-95	83-86	9:1
Сифатли: бен-зинда	98-101	90-92	10,5:1

Амалда суюлтирилган газ ёнилғиси билан ишловчи двигателлар урта ҳисобда бензинга нисбатан 15 фоизгача ёнилғи кам истемол қиласы, бунга сабаб ёнилғи маҳсулининг тозалиги ва юқори даражада эффектли ёнишдадир.

Ички ёнув двигателларини бензин ёнилғисидан ЧУГ ёнилғисига ўтилиши тизими нисбатан жуда оддий ва арzonдир, албатта двигателларнинг ўлчамларига ва жихозларнинг турига боғлиқдир. Хаар қандай бензинда ишловчи двигателларни СУГга ишлашга ўтказилганда қуидаги учта асосий қурилма бўлиши зарурдир. СУГ газ учун бак; регелятор буғлатгич; корбюратор (суюқ ёки газ ёнилғисида ишлаши фарқ қилмайди).



**16-расм. Ички ёнув двигателларига суюлтирилган углеводородли газларни узатишнинг тасвири:** 1- аккумлятор; 2- ёнилғи турини узгартиргич; 3- СУГнинг суюқ фаза фильтри; 4- ҳаво фильтри; 5- мосланувчи корбюратор; 6- бензин узатувчи клапан; 7- ёнилғи чикарувчи коллектор; 8 - регелятор; I-II – СУГнинг мос равища суюқ ва газ фазаси; III- бензин (захира ёнилғи) IV, V – радиатор ва ундан ташкарида мос равища сув.



**17- расм. Суюлтирилган углеводородли газ сакланадиган автомобил бақи (балони) қурилмасининг тасвири:** 1- кайтувчи газ клапани; 2- фильтр (тутгич) 3- чикарувчи клапан; 4- ҳавфсизлик клапани; 5- СУГнинг суюқ фазасини кўрсатувчи белги; 6-7- СУГнинг мос равища газ ва суюқ фазаси ишчи клапанлари.

Автомобилларга суюлтирилган газ тўлдириш шахобчалари. (АСГТШ). Республикаизда кейинги йилларда автомобилларга суюлтирилган газ тўлдириш шахобчаларининг лойихаланиш, курили шва улардан фойдаланиш тезкорлик билан ривожланиб бормоқда. Автомобилларга суюлтирилган газ тўлдириш шахобчалари (АСГТШ) тартибида газ сақланадиган резервуарлар (сақлагичлар), куйиш ва тўлдириш калонкалари, СУГ хайдаладиган қурилма, ҳаво алмаштириш қурилмаси ва бошқа ускуна ва жихозлар жойлаштирилган ишлаб чиқариш биноси, шунингдек ёрдамчи ва майший бинолардан ташкил топган бўлади.

АСГТШ жойлашган ҳудуддан турли мақсадларга мўлжалланган бино ва иншоотлар оралик масофалари меъёри хужжатлар ва ҚМК 2-06.08-96 талабларига мос ҳолатда бўлиши зарурдир. Кечма АСГТШ дан фойдаланиш рухсат этилади, качонки, бино ва иншоотлардан камида 20 м масофада хавфсиз жойда жойлаштирилган бўлса. Автоцистерналардан газни АСГТШ сақлагичларида қуйиш учун мўлжалланган қуйиш калонкаларда Буғ ва суюқ фаза қувурлари, беркитиш, саклаш арматураси, шунингдек суюқ фаза қувурларидан – тескари клапан (тускич), Буғ фаза қувурларида тез ишга тушадиган клапан (тўсгич) ва беркитиш мосламасидан олдин – газ қолдиқларини қувурлар тизимида ёки пуфлаб тозалаш найига юборадиган беркитиш мосламалари ва штуцерларнинг бўлиш кўзда тутилиши керакдир. АСГТШ ҳудуди ёнмайдиган материаллардан ишланган, шамол ўтказадиган тўсиқ билан ўралган, автомобиллар кирадиган очик бўлган ва автомобиллар кирадиган йўл қаттиқ қопламали бўлиши лойихаланишда эътиборга олиниши зарурдир. Шахарнинг асосий ҳудудий чегараларида жойлашган автомобилларга суюлтирилган газ тўлдириш шахобчалари резервуарлари (сақлагичлари) нинг энг қўп сифими  $100\text{ m}^2$  дан, битта сақлагичнинг сифими эса  $50\text{ m}^2$  дан ошмаслиги лозим. Резервуар сақлагичларни одатда ер остида жойлаштириш назарда тутилади. Суюлтирилган газ тўлдириш шахобчалари лойихаланишда техник – иқтисодий жихатдан мақсадга мувофиқ бўлганда ер кустига жойлаштиришга рухсат этилади. У ҳолда резервуарлар сақлагичларнинг умумий сифими эса –  $50\text{ m}^2$  дан ошмаслиги керакдир. АСГТШ даги сақлагичлардан АСГТШга тегишли бўлмаган бино ва иншоотларгача энг кам масофалар КИК 2.04.08 – 96 талабларига мос равишда қабул қилиниши керак. Ер ости сақлагичларининг умумий сиги ми  $50\text{ m}^2$  гача (битта сақлагичнинг сифими  $5\text{ m}^2$  гача) бўлганда сақлагичларни жойлаштиришга куйилган талаблар сақлагич қурилмаларига қўйиладиган талаблари каби бўлади. Газ тўлдириш калонкаларидан АСГТШ ҳудудидан ташкарида жойлашган бино ва иншоотларгача энг кам масофани камида 15м, АСГТШ деворигача бўлган масофани камида 10 м қабул қилиш керакдир. АСГТШ ҳудудида тура ржой бинолари шунингдек очик оловдан фойдаланиладиган ускуна ва асбоблар бўлишини назарда тутишга рухсат этилмайди.

## **4-БОБ. СУЮЛТИРИЛГАН УГЛЕВОДОРОДЛИ ГАЗЛАРДАН МОТОР ЁНИЛФИСИ СИФАТИДА ФОЙДЛАНИШДА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ**

### **4.1. Газ тўлдирувчи станциялар ва автомобилларга суюлтирилган газ тўлдиририш шахобчаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги**

Суюлтирилган углеводородли газлардан мотор ёнилфиси сифатида фойдаланишда, автомобилларга суюлтирилган газ тўлдириш шахобчаларидан фойдаланишда «Ўзбекистон Республикаси газ хўжалигига хавфсизлик қоидалари» асосида ишлаб чиқилган ва «Саноат техназорат Агентлигининг 6-феврал 2004 йилда №10 рақами тасдиқланган буйруги асосида амалга оширилади. «Қоидаларга» асосан газ тўлдирувчи станциялар ва автомобилларга суюлтирилган газ тўлдириш шахобчалари (АСГТШ) ишлаб чиқариш жараёнларида, узлуксиз ишлашни таъминлашда ходимларнинг хавфсизлиги таъминланган бўлиши керак. Ишлаб чиқариш жараёнлари тасдиқланган технологик регнамент асосида, суюлтирилган газларнинг босими ва ҳарорати, физика – кимёвий хоссалари портлаш хавфлилиги характеристикиси рухсат этилган қийматлари аниқланганлиги бўйича бжарилиши керакдир. Техник хизмат кўрсатишгаз қувурларини ва технологик жихозларни таъмирлаш ишлари ёргу вактда амалга оширилиши керак. АСГТШда сутка давомида хизматчи ходимларнинг навбатчилиги таъминланиши зарур. Авария ҳолати бартараф этилаётган ва куйиш – тўлдириш ишлари амалга оширилаётган пайтларда смена алмашинуви таъкиланади. ГТС, АСГТШ лар ҳар ойда, технологик жихозлар, газ қувурлари, арматуралар, ҳаво алмашинуви тизимлари, ёнғин портлаш ҳолатларини билдирувчи қурилмалар (сигнализация) нинг носозлигини аниқлаш аниқлаш учун назорат кўрик – текширувдн ўтказилиши талаб этилади. Бошқарув арматуралари. фойдаланиб келинаётган, тескари ва тезкор клапанлар, ишончли ва тезликда ёпилишини таъминлаш керакдир. Улар техник паспортларида кўрсатилган регламент асосида хизмат кўрсатилиши ва таъминланиши керак. Насослар, дам бергичлар (компрессор) фаолият кўрсатаётган вақтида назоратсиз қолдирилишга рухсат берилмайди. Насослар ва дам бергичларни мойлаш учун улар тайёрланган завод инструкциясида кўрсатилган мойлаш материалларидан фойдаланиш таъкиланади. Биноларда газ хавфли ишлари бажарилиши вақтида насослар ва дам бергичларнинг ишлаши тўхтатилиши керак. ГТС, АСГТШда ҳаво алмаштириш тизимларидан фойдаланиш бўйича маъсул тайинланиши керак.

ГТС, АСГТШ худудларига худудларига киритилаётган транспортларнинг тутун гази чикувчи қувурларига стандарт кўринишли аланга юткич ўрнатилади. ГТС худудида бир вақтнинг узида турувчи темир йўл цистерналари сони, лойихада кўрсатилган куйиш бўшатиш постлари сонидан ошиб кетмаслиги зарур. Темир йўл цистерналарида суюлтирилган газларни куйиш бўшатиш ишлари цистерналар рельс йўлларига маҳкамлангандан ва ГТС худудидан локомотив чиқарилгандан сўнг амалга оширилади. Газ балонларини тўлдиришдан олдин автомобил цистернали автомашиналарга машина двигатели учириласи, фақатгина автоцистернага ўрнатилган СУГ ҳайдаш учун насос жихозлари ишлатиши мумкин. Автомашина двигателини ишлатишга резина тўқимали

шланглар ва бошқарув қурилмаларига тиқин ўрнатилғандан сўнг рухсат этилади. Газ қувурларига ўрнатиласын вентиллар ва задвижкалар аста – секинлик билан гидравлик таъсир кучи ҳосил қилинмасдан очилиш талаб этилади.

Темир йўл цистерналаридан газнинг бўшатилишида, цистернадаги газнинг миқдори ва резервуар қабул қилиниши доимий кузатилиб борилиши таъминланган бўлиши зарур. Куйиш - бўшатиш ишларини амалга оширилаётган ходимлар билан насос- дам солгич бўлими машинистлари орасида техник ёки назорат алоқаси бўлиши керак. СУГ темир йўл цистерналарига автоцистерналардан баллонларга тўлдириш – бўшатиш жараёнлари назоратсиз қолдириш таъқиқланади.

Автомобил баллонларининг ишга яроқлилиги ҳайдовчиларнинг йўл варақасига «Баллонлар текширилган» штамп ёзуви билан тасдиқланган, баллонлардан фойдаланувчи ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилувчи жавобгарнинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Автомилларни суюлтирилган газ билан тўлдирувчи автоцистерналардан автомобил транспортлари учун мўлжалланмаган балонларни тўлғазиши таъқиқланади. Балонлар газ билан тўлғазилғандан сўнг, уларнинг тўлдирилиш даражаси назорат текшириувидвн ўтказилиши керак.

Резервуарлар ва балонлардаги ортиқча СУГ тиқинлардан атмосферага чиқарип юбориш таъқиқланади. Автомобил газ балаонлари ва автомобил газ жихозларида носозлик (газ оқимининг чиқиши) аниқланса, газ резервуарларга қайтарилиб қуиши керак.

ГТС ва автомобилларни суюлтирилган газ билан тўлдириш шахобчалари жойлашган худудларда огоҳлантирувчи чекиш таъқиқланган ёзуви осиглиқ туриши керакдир.

Резервуарлар жойлашган худудга ва ёнгин хавфли биноларга, ишлаб чиқаришга алоқаси бўлмаган ъегона одамларнинг бўлишига рухсат берилмайди.

Автомобилларни тўлдириувчи худудларга автойўловчиларнинг кириши таъқиқланади.

СУГ билан тўлғазилған автоцистерналарнинг, балонлар жойлаштирилған автомашиналарнинг очик олов-аланга мавжуд бўлган жойларга одамлар кўп тўпланадиган (бозор, магазин, томоша кўрсатувчи жойдар ва ҳакоза) жойларга тўхтатилиши таъқиқланади.

## **4.2. Газ сакловчи резервуар қурилмалардан фойдаланишда техника хавфсизлиги**

Суюлтирилган углеводородли газларни сақлаш учун, турли хил кўринишдаги пулатдан (металдан) тайёрланган резервуарлар, баллонлар ва бочкалардан фойдаланилади. Улардан фойдаланишда «Ўзбекистон Республикасида газ хўжалигидаги хавфсизлик қоидаларига» катъиян риоя қилиниши керакдир. Резервуарлардан фойдаланишда уларни ишлаб чиқсан тайёрлов заводи таклиф этган талаблар эътиборга олган ҳолда қуидагилар эътиборга олиниши зарурдир:

Босим остида ишлайдиган идишлардан фойдаланишдаги хавфсизлик қоидалари риоя этилиши.

- резервуарларнинг газ қувурлар билан биргалдикда техник ҳолатларини бир вақтнинг узида, ташқи текширувдун ўтказиш.

- босим регеляторлари ва сақлагич клапанларининг носозлиги ҳолатини уларнинг узгартирилиши ўлчамларининг ишлаш ҳолатини ики ойда энг ками бир маротаба текширилуви:

- бошқарув арматуралари сақлагич клапанларини ҳар йили камида бир маротаба оралик таъмиглашдан утилиши керак.

- бажарилган ишлар ҳақидаги маълумотлар, фойдаланиш хужжатлари дафтарига кайд этилиши;

- ер ости резервуарларида ўрнатилган сақлагич клапанларининг иш ҳолати (носозлиги) ҳар йили камида бир маротаба текширилувдан ўтказилиши;

-баллонли идишлардан фойдаланишда, уларнинг метал шкафларга солиниб жойлашда ёки баоллонларнинг алмаштириш ишларини бажариш 2 ва ундан ортиқ ишчилар сонидан бажарилиши керак.

- носоз газ қурилмаларини, ўрнатиш ва улардан фойдланиши, газ таъминотида авария ҳолатларига ёки баҳтсиз воеаларга сабаб бўлиши мумкин, шунинг учун улар тўлиқ созланмагунча улардан фойдаланиш мумкин эмас. Сифимли газ буғлатгичларда иссиқлик оқими ҳаракати идишлар суюлтирилган углеводородли газлар билан тўлғазилгандан сўнг амалга оширилади. СУГни сифимли идишларга қуиши(тўлдириш) дан аввал, резервуарларга автоцистерналарга ўрнатилган жихозлар резина тукимали қувурлар ташқи текширув (куриқдан) утилиши керак. СУГ қуиши таъқиқланади, агарда резервуарларнинг ишлаш муддати тўлганда, идишда газ қолдигининг босими  $0,5 \text{ кгс}/\text{см}^2$  кўп бўлганда ва бирламчси ўт ўчириш қурилмалар бўлмаганда.

Сув автоцистерналари ва резервуар бўшатиш ва тўлдириш ишлари бажарилышдан аввал резина тўқимали қувур (шланглар) орқали суюқ ва буғли фазалар туташтирилган бўлиши автоцистерналар бўшатилишдан олдин ерга уланиши керак. Автоцистерналарнинг ерга уланишининг олиб ташланиши, қуиши – бўшатиш ишлари тугагандан сунг вентилларга бегитгич штуцерлар ўрнатилгандан кейин рухсат этилади. Суюлтирилган газларни ташувчи автомашиналар учун, двигателлардан чиқарилиб ташланаётган тутун газлари қувурлари машинанинг одинги қисмига чиқарилган бўлиши ҳар бир машина иккита сифимли 5 л дан кам бўлмаган ўт ўчирувчи қурилма бўлиши керакдир. Резервуарлардан буғланмай қолган газ қолдиқлари ва сувлар чиқариб ташланиш (тозаланиши) керак. Суюлтирилган газ қурилмалари қуийдаги бирламчи ўт ўчирувчи куроллар билан таъминланган бўлиши керакдир.

- резервуар майдончаси ва буғлатувчи қурилма сифими  $0,5 \text{ м}^3 \text{ кум}$  сақланувчи қути (1 дона), лопатка (2 дона), ўлчами 2x2 метр бўлган (1 дона аспесли палатно).

- гурухли балаонлар қурилмаси ўрнатилган бинода ўт ўчирувчи ОУ- 2 ёки ОП-5 1 дона ускуна баллонлар ўрнатилган биноларда кутичаплар (шкаф)да резервуар майдончалари ва буғлатувчи қурилмалар тўсик деворларида огохлантирувчи – «Газ хавфли ёнилғи» бўлиши керак.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Газовые оборудования, приборы и арматура: Справочное пособия. Под ред Н.И.Рябцева. 3-е изд., перераб. и доп. М.: Недра, 1985. -527 с.
2. Сборник руководящих указаний по использование сжиженных углеводородных газов, 4-е изд, перераби доп-М.: Недра, 1984. –380 с.
3. Айматов Р., Бобоев С., Алибеков Ж. Газ таъминоти укув қўлланма. Тошкент. Абу Али ибн Сино номидаги нашриёт. 2003. - 176 б
4. ҚМҚ 2.04.08-96 . Газ таъминоти. Лойиха меъёрлари. Тошкент 1996.
5. Правила безопасно в газовом хозяйстве Республики Узбекистан. Агенство «Саноат контехназорат» Республики Узбекистан. Ташкент 2004. 96 с.



48,1,46,3,44,5,42,7,40,9,38,11,36,13,34,15,32,17,30,19,28,21,26,23

2,47,4,45,6,43,8,41,10,39,12,37,14,35,16,33,18,31,20,29,22,27,24,25